

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҰЗИНИ ҰЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҰРНИ ВА АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20554467>

**Ғайрат Расулов**

*Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси*

*“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA” кафедраси мудири Тошкент шаҳри,*

### **Аннотация**

Мақолада маҳалла институтининг тарихий илдизлари, унинг жамиятни бошқаришдаги ўрни ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Муаллиф маҳалланинг шўролар давридаги ҳолати ва мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қайта тикланишини кўриб чиқади. Шунингдек, маҳалла фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими гуруҳларга ажратилиб тадқиқ этилган.

### **Калит сўзлар**

Маҳалла, ўзини ўзи бошқариш, фуқаролар йиғини, ҳуқуқий асослар, ижтимоий бошқарув, миллий кадриятлар, меъёрий ҳужжатлар.

### **Аннотация**

В статье анализируются исторические корни института махалли, его роль в управлении обществом и правовые основы. Автор рассматривает положение махалли в советский период и её возрождение в годы независимости как органа самоуправления граждан. Также исследуется и классифицируется система нормативно-правовых актов, регулирующих деятельность махалли.

### **Ключевые слова**

Махалля, самоуправление, сход граждан, правовые основы, социальное управление, национальные ценности, нормативные акты.

### **Abstract**

The article analyzes the historical roots of the mahalla institution, its role in social management, and its legal foundations. The author examines the status of mahalla during the Soviet period and its revival during the years of independence

as a body of citizen self-government. Furthermore, the system of regulatory legal acts governing the activities of the mahalla is researched and classified into groups.

### Keywords

Mahalla, self-government, citizens' assembly, legal foundations, social management, national values, regulatory acts.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла институти алоҳида аҳамият касб этади. Маҳалла – ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган, миллий қадриятлар ва анъаналарни ўзида мужассам этган ноёб ижтимоий тузилмасидир. У нафақат аҳоли яшайдиган ҳудуд, балки инсонларни бирлаштирувчи, ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этувчи ва маънавий тарбия ўчоғи ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, маҳалла институти турли сиёсий тузумлар даврида ҳам ўз ҳаётийлигини йўқотмаган. Ҳатто шўролар давридаги мафкуравий сиқувлар ҳам халқимизнинг ушбу ўзини ўзи бошқариш тизимини бутунлай йўқ қила олмади. Мустақиллик йилларида эса маҳалла янги мазмун касб этиб, кучли фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинига айланди. Ушбу мақоланинг мақсади маҳалланинг тарихий эволюциясини ўрганиш ва унинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий манбаларни тизимли таҳлил қилишдан иборат.

Бу жараён тўғрисида фикр юритиш учун маҳалла ҳақида маълумотга эга бўлишимиз керак. Маҳалла (арабча “маҳалла” – жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшмадир<sup>1</sup>. Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма бўлган. Маҳалла кундалик ижтимоий ҳаётни ва турмушни ташкил қилишда ўзбек халқи излаб топган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган аъмолдир. Аммо, шунга қарамасдан, шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади. Бироқ, аҳолининг чуқур норозилигига сабабчи бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлай ҳам олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти, мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш юритиш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар

<sup>1</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. - Т.: Шарқ, 2006. 188-б.

аҳолини аҳил, тинч-тотув яшашга сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни сермазмун қилишга чақиради.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Илк қабул қилинган Конституциянинг 105-моддасига ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонунга биноан (1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди), маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига кирди. Демак, маҳаллалар давлатимизнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига ва жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

Азал-азалдан халқ ўзига муносиб йўлбошчи танлаган. Бу ўринда маҳалла оқсоқолининг чинакам ҳақ-ҳуқуқлари қадим замонлардан бери табиий равишда шаклланиб келганини ҳам эътироф этиш зарур. Маҳаллада оқсоқол учун “бегона” хонадон ёки “нотаниш” кимса бўлмаган. У ҳеч кимга ўзгача назар билан қарамаган. Шунинг учун ҳам у исталган хонадонга бемалол эшик қоқиб кираверган. Маҳалладошлар билан деярли сирдош, ҳамфикр бўла олган. Оиладаги муаммолаларни ҳал этишга бемалол киришиб кетаверган. Ота-бола ёки қайнона-келин муносабатларини, бирор хонадонда носоғлом муҳит пайдо бўла бошлагани, хуллас, оилалардаги оддий икир-чикирларгача бафуржа кизиқиб, ўрганиб, сўнг ўз муносабатини билдириб, зарур бўлса, амалий ёрдам берган. Қадимдан маҳалла оқсоқолининг ҳақ-ҳуқуқари шу тарзда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам маҳалла оқсоқолининг айтгани айтган, дегани деган бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам маҳалла оқсоқолининг ана шундай табиий муносабатлари ҳаётда ўз аксини топмоғи жоиз. Қайси хонадонда яшайди, нима иш билан шуғулланади, қайси фарзанди нималарга қодир, оила муҳити қай даражада, қандай муаммолалари бор, хуллас, ҳамма-ҳаммасини оқсоқол яхши билмоғи зарур.

Маънавиятни ҳеч қачон ўлчов билан ўлчаб бўлмагани каби, маҳалла оқсоқолининг вазифалари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам бирма-бир санаш, таърифлаш қийин. Зотан, оилада отанинг ўрни ва роли қай даражада бўлса, маҳалланинг отаси – оқсоқолнинг ҳам ўша маскандаги нуфузи, мартабаси

шунча юқори. Маҳаллага бош-қош бўлиш – бу оғир, лекин масъулиятли ва шарафли юқдир.

Маҳаллаларнинг аҳамияти мустақиллик шароитида кун сайин ўсиб бормоқда. Улар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқдалар. Шу сабабли маҳаллаларнинг иш фаолиятига хорижий мамлакатларнинг диққат-эътибори ўсиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликнинг сабаблари ва манбаларини излар эканлар, хорижлик тадқиқотчилар беихтиёр равишда маҳалла омилига дуч келмоқдалар ва халқни, оммани бу даражада самарали равишда уюштирадиган, бошқарадиган ва тарбиялайдиган ҳамда омма ақлу заковати ва тарихий тажрибаси асосида яратилган ташкилий тизимнинг аҳамиятига юксак баҳо бермоқдалар. Маҳаллаларнинг фаолият мазмунини ва шакллари замон талаблари ҳамда шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш – маҳаллаларнинг вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йилга бағишланган Мурожаатномасида “...Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта<sup>2</sup>” эканлигини таъкидлаб ўтди. Мустақиллик йилларида бу соҳадаги ислохатларга катта эътибор қаратилган, жумладан, давлат бошқарувида “... ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Яна бир муҳим вазифа – ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим<sup>3</sup>лигига эътибор қаратилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши бугунги кунда катта куч бўлиб ҳуқуқий фуқаролик жамиятини ва адолатли демократик давлатни барпо этишни усиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам уни давлат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга моҳирона йўналтириш муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш бу - фуқароларнинг Ўзбекистон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 27-б.

Республикаси Конститутцияси ва қонунлари билан кафолатланган, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек маҳалланинг миллий ва маънавий қадриятларидан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир<sup>4</sup>. Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кучи бекиёс бўлиб, “уни давлат олдида турган вазифаларни ҳал қилишга мохирона йўналтириш муҳим аҳамият касб этади”<sup>5</sup>.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан демократик посанги бўлиш ва тийиб туриш тизимида масъулиятли ўрин тутмоқда<sup>6</sup>.

Айтиш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишда бу соҳадаги ҳуқуқий манбалар катта роль ўйнайди. Яъни, ҳуқуқ манбаи деганда, умумий маънода ҳуқуқнинг ифода этилиш шакли тушунилади<sup>7</sup>. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи манбаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишининг турли даражаларга қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Дастлабки гуруҳ манбаларига умумдавлат даражасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бош манбадир. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ташкил этилиши асослари, ваколат муддатларини белгилайди. Конституция фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига оид амалдаги қонунлар учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тўғрисидаги қонунлар Конституция нормаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим манбаси ҳисобланади. Бу қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда фойдаланадиган асосий тушунчалар ва атамаларнинг мазмунини очиқ берувчи нормалар мавжуд. Мазкур қонун нормалари мамлакатда фуқароларнинг ўзини ўзи

<sup>4</sup> “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. – Т.: Адолат, 1999. 113-б.

<sup>5</sup> Маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш асоси. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., № 1, 2001. 11-б.

<sup>6</sup> Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., № 1. 2001. 11-б.

<sup>7</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2000. 276-б.

бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ваколатларини аниқ белгилаб беради. Шунингдек, қонун нормалари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти асослари белгиланган, ўзини ўзи бошқаришда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини бевосита амалга оширилишининг шакллари, ваколатлари, бу органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масалалари мустаҳкамланган.

2004 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланган бўлиб, бу қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим манбаси ҳисобланади. Қонунда шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатлар белгиланган.

1999 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим манбасига киради. Бу қонунда уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисида асосий тушунчалар мазмунини ифодаловчи нормалар аксини топган. Ушбу қонун нормаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ширкатлар билан ўзаро 46 муносабатлари белгиланган, ширкатнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ширкат бошқаруви, ширкатнинг маблағлари, шунингдек мазкур қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик асослари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа қатор қонунларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши масалаларига алоқадор бўлган нормалар мавжуд. Бу қонунлар жумласига, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”<sup>8</sup>, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Мулкчилик тўғрисида”<sup>9</sup>, “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида” ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонун<sup>10</sup> лар ва бошқалар киради.

<sup>8</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 5-сон. - Т.: Адолат, 1993. 129-145-б.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992.

<sup>10</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 17-сон. - Т.: Адолат, 1998. 3-16-б.

1992 йил 12 сентябрда “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-472-сонли<sup>11</sup>, 1992 йил 8 октябрда “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги ПФ-478-сонли<sup>12</sup>, 1994 йил 23 августда “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-938-сонли<sup>13</sup>, 1999 йил 13 январда “Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида”ги ПФ-2832-сонли<sup>14</sup>, 2002 йил 25 январда “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-3017-сонли<sup>15</sup>, 2002 йил 26 февралда “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3038-сонли, 2004 йил 25 майда “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11Ф-3434-сонли қабул қилинган Қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу соҳага доир фармонлари энг муҳим манбадир.

Иккинчи гуруҳ манбаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради. Қорақалпоғистон Республикаси даражасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий нормалари бўлган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг манбаси бўлади.

Учинчи гуруҳ манбаларга - “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ҳужжатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши ҳудудий бирликлари аҳолисининг бевосита хоҳиш-иродаси орқали қабул қилинган қарорлар (фуқаролар йиғини (йиғилиши) қарори), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари даражасида қабул қилган қарорлари киради. Бу манбаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг низоми, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз низомларига биноан ваколатлари доирасида қабул қилинган тегишли ҳудуд ўзини ўзи бошқариш органларининг

<sup>11</sup> Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари (маҳаллалар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўплами). - Т., 2003. 100-б.

<sup>12</sup> Ўша жойда. 101-б.

<sup>13</sup> Ўша жойда. 102-104-б.

<sup>14</sup> Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари (маҳаллалар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўплами). - Т., 2003. 113-116-б.

<sup>15</sup> Ўша жойда. 117-б.

бошқарув тартибини белгилайдиган ва бу органлар мулкани бошқариш бўйича қабул қилган қарорлари ва бошқалар киради.

Дарвоқе, маҳаллий фуқаролар ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқли шахс сифатида иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла институти Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг мустаҳкам пойдеворидир. Мақола доирасида олиб борилган таҳлиллар қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

Маҳалла ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ижтимоий жиҳатдан ва ўзаро ёрдам маркази бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам ушбу вазифани муваффақиятли бажармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, соҳага оид кўплаб фармон ва қарорлар маҳалланинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратган.

Маҳалла фаолиятини тартибга солувчи манбаларни қонунчилик ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари ва ички низомлар (фуқаролар йиғини қарорлари) сифатида тизимлаштириш соҳанинг ҳуқуқий табиатини тўғрироқ англашга хизмат қилади.

Пировард натижада, маҳалла институтининг янада ривожланиши мамлакатда адолатли ижтимоий бошқарувни таъминлаш ва халқ билан давлат ўртасидаги бевосита мулоқотни мустаҳкамлашнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2021.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) сайлови тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – Тошкент, 2004.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1999.
5. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома. – Тошкент, 2025.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
10. Жўраев С. Фуқаролик жамияти назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Академия, 2018. – 284 б.
11. Мамасидиқов М. Маҳалла институти ва унинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Адолат, 2016. – 192 б.
12. Тожихонов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2019. – 456 б.
13. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. «Маҳалла» мақоласи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003.
15. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2022.
16. Саидов А.Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 384 б.
17. Қурбонов А. Ўзбекистонда маҳалла институтининг ривожланиш босқичлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2020. – №3. – Б. 45-53.
18. Норкулов Б. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2021. – №2. – Б. 67-74.
19. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. URL: <https://lex.uz>
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги материаллари. URL: <https://strategy.uz>